

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМЕРИКА – ЎЗБЕКИСТОН САВДО ПАЛАТАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 февраль куни Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмми қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлаб, АҚШ етакчи компаниялари вакиллари делегациясининг ташрифи ва ҳамкорликда бизнес-форум ўтказилгани томонларнинг Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлиги ва интилиши ортиб бораётганидан далolat беришини таъкидлади.

Илгирма йилдан кўпроқ вақт аввал ташкил этилган Америка – Ўзбекистон савдо палатаси бугун иқтисодиётнинг турли тармоқларида кўшма дастур ҳамда лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига, икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида ишончли кўприкка айланди.

Айни пайтда АҚШнинг "Boeing", "General Motors", "General Electric", "CNH Industrial", "Hyatt", "Hilton" ва бошқа кўлаб жаҳонга машҳур компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ўтган йили ушбу компаниялар билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилган кўшма лойиҳалар самарасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 70 фоизга ошди ва 454 миллион долларга етди.

Мамлакатимизда Америка Қўшма Штатлари капитални иштирокида ташкил этилган 164 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган АҚШ инвестициялари ҳажми 1 миллиард доллардан ошди.

Давлатимиз раҳбари ва Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси ўртасида бўлиб ўтган музокарада савдо-иқтисодий, инвестиция, технология, инновация ва таълим соҳаларида узоқ муддатли ҳамда кенг қўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш хусусида фикр алмашилди.

Иқтисодиётнинг агросаноат комплекси, электротехника, фармацевтика ва бошқа тармоқларида АҚШнинг етакчи ташкилот ва компаниялари тажрибаси, тўғридан-тўғри инвестициялари ва замонавий технология ютуқлари асосида амалга оширилган истиқболли лойиҳалар муҳокама этилди.

Халқаро стандартларга мувофиқ юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида илчил ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро муносабатларни, аввало, иқтисодиёт соҳасида мустақамлашга қаратилган ҳамкорликнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Америка – Ўзбекистон савдо палатаси раиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида шериклик муносабатларини қўллаб-қувватлаётгани, шунингдек, Ўзбекистон бозорига АҚШ компаниялари иштирокини кенгайтириш учун яратилган қулай шарт-шароитлар учун миннатдорлик билдирди.

Кэролин Лэмми Америка – Ўзбекистон савдо палатасининг барча вакиллари Ўзбекистон билан ҳамкорликда кўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёр эканини тасдиқлади.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ САВДО ФОРУМИ

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Америка – Ўзбекистон савдо палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, нефть-газ, машинасозлик, савдо-саноат, сармоя, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, геология ва минерал ресурслар, металлургия, кимё ва озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори технологиялар, таълим ҳамда ахборот техно-

логиялари каби соҳалар учун маъсул вазирлик ва идоралар, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам илчил ривожланиб бораётгани, ушбу мажлис ўза-

ро ҳамкорликнинг янги имкониятларини ишга солишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, хоржий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар бугун энг тараққий топган давлатлар эътиборини тортмоқда. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлик илчил ривожланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## «ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАҲСИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ КУНДАЛИК ҚОИДАСИ БЎЛИШИ КЕРАК»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу номдаги китоби "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди.



Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 14 январь куни бўлиб ўтган, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Чуқур таҳлил ва танқидий ёндашувага асосланган ушбу рисолада Ўзбекистоннинг 2016 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларига алоқалар баҳо берилган. Айни вақтда иқтисодиётни бошқариш, уни модернизация ва диверсификация қилиш борасида кейинги пайтда турли вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйлаётган камчилик ва нуқсонлар очик ва холис танқид қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича амалий тақлифлар илгари сурилган. Турли соҳалардаги мавжуд улкан имконият ва захираларни тўлиқ ва самарали

ишга солишга жиддий эътибор қаратилган.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2017 йилга мўлжалланган устувор йўналишлар, жаҳон бозорига рақобат кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда иқтисодиётга хоржий инвестициялар, замонавий технологияларни жорий этиш билан боғлиқ муҳим вазифалар маърузада батафсил кўрсатиб берилган. Айниқса, "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурини амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш, жумладан, шаҳар ва қишлоқларимизда арзон ва қулай уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни, мактабгача таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича кенг қўламли вазифалар ҳам китобдан алоҳида ўрин эгаллаган.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришнинг таъминлаш борасида қулай шарт-шароитлар яратилди.

Тадбиркорлик тузилмаларига давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан оширишга доир комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар кўрилди.

Туман ва шаҳарларда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари (бундан буён – "ягона дарча" марказлари) томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишнинг ошқоралигини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, мазкур соҳада амалга оширилган ишларнинг тахлилий тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш механизмининг янада такомиллаштириш, "ягона дарча" марказларини самарали бошқариш, улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда тизимли ёндашуви ҳамда уларнинг бошқа давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликни белгилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш касфолатларини кучайтириш ҳамда жойларда халқ билан беvosита мулоқотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадига:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг "ягона дарча" марказларини туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

Банклар ва кредит бюралари, уларнинг филиал ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш "ягона дарча" марказлари томонидан амалга оширилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қуйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

"ягона дарча" марказларининг фаолиятини устидан умумий раҳбарликни амалга ошириш, шу жумладан уларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, "ягона дарча" марказлари ҳодимларининг малакасини ошириш;

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат хизматлари, шу жумладан "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий

илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, "ягона дарча" марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат хизматлари, шу жумладан "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий

илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, "ягона дарча" марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат хизматлари, шу жумладан "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий

илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, "ягона дарча" марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тақлифлар тайёрлаш.

3. Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси (бундан буён – Республика комиссияси) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат хизматлари, шу жумладан "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган ташкилий, ҳуқуқий

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ишлар ҳолатини тизимли таҳлил қилиш;

соҳадаги муаммоларни аниқлаш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш ва амалий чора-тадбирлар қўриш, шу жумладан бундай чора-тадбирларни жойларда халқ билан беvosита мулоқот ўрнатиш орқали кўриш.

4. Республика комиссияси икки ҳафта мuddатда:

Республика комиссияси фаолиятининг тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссияларни (бундан буён – ҳудудий комиссиялар) тузсин ва уларнинг фаолиятини ташкил этсин.

Ҳудудий комиссияларга тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари раҳбарлиги қилиши белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги таркибиде штат бирликлари умумий сони доирасида Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси неғизда Давлат хизматлари кўрсатиш мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида еса тегишинча унинг бўлимлари тузилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматлари кўрсатиш мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари Республика комиссияси ва ҳудудий комиссияларнинг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Қуйидагилар:

2017 йилда фақат "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатиладиган қўшимча давлат хизматларини жо-

рий этиш жадвали 2-иловага мувофиқ;

2018-2020 йилларда бошқичма-бошқич жорий этиладиган, фақат "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Бир ой мuddатда 2017 йилда фақат "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этиш жадвалини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини;

икки ой мuddатда 2018-2020 йилларда фақат "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини бошқичма-бошқич жорий этиш жадвалини;

2017 йил 1 сентябрга қадар 2018-2020 йилларда фақат "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини бошқичма-бошқич жорий этиш жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

2 ва 3-иловаларда белгиланган, фақат "ягона дарча" марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини жорий этишга доир тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни "Лицензия" ахборот тизимлари комплекси доирасида олиш имкониятини яратиш йўли билан "ягона дарча" марказлари орқали қозғош шаклида бериладиган махсус бланкалардаги рухсатнома ва лицензияларни мажбурий расмийлаштириш талаби 2018 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлигининг 2017 йилнинг 1 чорада қуйидагиларни таъминлайдиган "Лицензия" ахборот тизимлари комплексини ишга тушириш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:

(Давоми 2-саҳифада)

## ҚАРОР ВА ИЖРО МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

**Термиз шаҳридаги "NOVA PHARM" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма корхонасида жаҳон бозорига рақобатбардош, сифатли ва юқори самарали дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.**



Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона фаолияти бошқичма-бошқич кенгайиб, фармацевтика маҳсулотлари тури ошиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал

бўлаётди. Мамлакатимизда хусусий сектор ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, қулай ишбилармонлик муҳити яратилаётгани фармацевтика саноатини ҳам ривожланти-

риш, аҳоли ҳамда давлош муассасаларини сифатли, хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Маҳаллий доривор ўсимликлар асосида дори-дармон воси-

талари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотлари маҳаллийлаштирилиб, тиббиёт амалиётига жорий этилмоқда. (Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

“ягона дарча” марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат берувчи ҳужжатлар ва лицензиялар (бундан буюн – рухсатнома ва лицензиялар) олиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш;

тадбиркорлик субъектлари учун қулай шаклда рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисида электрон шаклда ариза бериш имкониятини яратган ҳолда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларини автоматлаштириш;

тадбиркорлик субъектлари “ягона дарча” марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматла-

ри бўйича қаерда ва қай тарзда мурожаат қилганидан қатъи назар, рухсатнома ва лицензиялар олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқишнинг бориши ва натижасини кузатиш имконияти;

рухсатнома ва лицензиялар реестрларидан маълумот олиш имконияти.

10. 2-иловада кўрсатилган, “ягона дарча” марказлари орқали давлат хизматларини кўрсатаётган ваколатли органлар:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш орқали тақдим этиладиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини белгиласин ҳамда эскирган ва замон талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатлар ва маълумотларни тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиш тўғрисидаги талабларни бекор

қилишга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

белгиланган муддатлардан бошлаб Жадвалга киритилган давлат рўйхатдан кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни тўғридан-тўғри тадбиркорлик субъектларидан қабул қилиш амалиёти-ни бекор қилсин;

давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир тизимли чора-тадбирлар кўрсин.

11. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат божни сифатида олинадиган барча маблағлар ҳамда “ягона дарча” марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари ва йиғимлар ҳажмининг 10 фоизи миқдоридagi маблағлар “ягона дарча” маркази фаолиятини молиялаштириш манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги номига очилган махсус шахсий

ҳисобрақамга ўтказилиши ҳамда келиб тушаётган маблағлар “ягона дарча” марказларини сақлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантиришга йўналтирилиши белгилансин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда “ягона дарча” марказларининг давлат мулки бўлган барча бино ва иншоотларини, уларга тегишли асбоб-ускуналар, ҳужжатлар ва бошқа мулк Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларига белгиланган тартибда текин тақдим этилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Иқтисодий таътирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Тошкент шаҳри, 2017 йил 1 февраль

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига ШАРҲ

Халқ билан ўтказилаётган очиқ мулоқотлар, тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар лицензия ва рухсатнома бериш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштириш жараёнларида давлат хизматларини “ягона дарча” тамойили асосида кўрсатишни самарали ташкил этишга тўқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар сақланиб келаётганини кўрсатишмоқда.

Таъжиблаш жойки, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун ҳанузгача турли давлат органларига мурожаат этишга мажбур бўлмоқда, лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан зарур даражада фойдаланилмаётгани, қўлчилик давлат хизматлари, афсуски, ҳали ҳам анъанавий усулларда, қозғош шаклида кўрсатишмоқда.

Хорижий тажриба шуни кўрсатишмоқдаки, “ягона дарча” маркази каби институтлар давлат хизматларини очкилиги ва шаффофлигини таъминлашда ҳамда давлат органларининг тадбиркорлик тузилмаларига ўз вақтида қўмаклашишга доир фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

Мазкур соҳада тадбиркорлик субъектлари кўтарган долзарб муаммо ва таклифлар, ўтказилган ўрганишлар натижаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар давлат хизматларини кўрсатиш жараё-

нида сансалорлик, бюрократик тўсиқлар ва расмийлик ҳолатлари вужудга келишига йўл қўймасликка, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали уларнинг сифати ва самарадорлигини тубдан оширишга қаратилган.

Қарорга мувофиқ тўман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш марказлари тўман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарувига ўтказилмоқда. Бу эса “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини беради.

Банклар ва кредит бюралари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш “ягона дарча” марказлари зиммасига юклатилмоқда. Бундай чора тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг мажбур тарқоқ тизими ўрнига янги, яхлит тизимни яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “ягона дарча” марказлари фаолиятига умумий раҳбарликни ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланди.

Мазкур вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан Давлат хизматларини кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси, жойларда эса унинг худудий бўлимлари

ри ташкил этилади.

“Ягона дарча” марказлари орқали давлат хизматларини сифатли ва самарали таъминлашнинг муҳим шартлари билан ҳал этиш учун тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика ва худудий комиссиялар ташкил этилмоқда.

Мазкур комиссиялар тизимли равишда, шу жумладан жойларда ҳаёқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш орқали муаммоларни аниқлаш ва давлат хизматларининг сифати, очкилиги ва шаффофлигини оширишга қаратилган зарур чораларни кўриш билан шугулланади.

“Ягона дарча” марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 16 турдаги рухсатномаларни бошқа идораларга бормасдан расмийлаштириш амалиёти сансалорликларнинг олдини олишга, тадбиркорлик субъектларининг вақти ва моддий сарф-харажатларини тежашга қўмаклашиди.

Ана шундай иккибоя амалиётни янада кенгайтириш мақсадида қарорда талаб энг юқори бўлган қўшимча 86 турдаги лицензия ва рухсатномаларни “ягона дарча” марказлари орқали расмийлаштириш механизмининг босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилмоқда.

Эндиликда тадбиркорлик субъектлари қоридидаги лицензия ва рухсатномаларни олиш учун бошқа идораларга бормасдан, уларни аниқ муддатларда берадиган “ягона дарча” марказларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятига эга бўлади. “Ягона дарча” марказлари барча зарур келиши тартиб-таомилларини тадбиркорлик субъек-

ти иштирокисиз мустақил амалга оширади.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан бошлаб “ягона дарча” марказлари орқали тақдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қозғош шаклидаги махсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинади. Бунда берилган, тўхтаб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот-тизмлари мажмуаси орқали олиш имконияти яратилади.

2017 йилнинг I қорайдан ишга тушириладиган “Лицензия” ахборот тизимлари мажмуаси: тегишли давлат органига бормасдан туриб, “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматларини электрон шаклда олишга; рухсатнома ва лицензиялар олиш тартиби ва муддатлари ҳақидаги, шунингдек рухсатнома ва лицензиялар реестридаги маълумотлардан масофадан туриб фойдаланишга;

“ягона дарча” марказлари орқали кўрсатилаётган давлат хизматлари бўйича рухсатнома ва лицензия бериш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш жараёни ва натижасини, қаерда ва қай тарзда мурожаат этганидан қатъи назар, кузатишга имкониятлар яратилади.

Қарорни амалга ошириш, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишни янги сифат босқичига кўтаришга, аҳолининг давлатга нисбатан ишончини оширишга, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу гогаи ҳаётга жорий этишга қўмаклашади.

Қорақалпоғистон Республикаси

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистон Республикасига ташири доирасидаги фаоллар билан учрашувида худудни яқин келажақда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратиш масалаларига, шунингдек, аҳолини табиий газ, электр энергияси ва кўмир билан таъминлаш, дебитор қарздорликни ундириш борасидаги йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб ўтган эди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида ушбу камчиликларни бартараф этиш бўйича долзарб вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, 2017-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида 1054,09 километр узунликда электр узатиш тармоғи ва 297 дон трансформатор пунктини янгилаш ва реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, бу орқали Оролбўйи худудидagi 110 мингга яқин истеъмолчининг электр энергияси таъминоти яхшиланади.

Электр энергияси ишлаб чиқаришда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда “Тахиташ ИЭС” да умумий қиймати 566 МВт бўлган 2 та янги буғ-газ қурилмасини қуриш бўйича бош пудратки билан

лик яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида шаҳар ва туманга филиаллари 50 та йирик худудга бўлинди. Бугунги кунда истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар белгиланган худудлар кесимида юргизилмоқда.

2016-2017 йиллар куз-қиш мавсумида газ тармоқларини модернизациялаш, ижтимоий соҳа объектлари ва хонадонларнинг газ таъминотини яхшилаш бўйича иш режа ишлаб чиқилиб, унга кўра белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳолини суюқтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш бўйича жорий йилда 14 минг 476 донга газ баллонли олиб келиниб, хонадонларга тарқатилади. Ўтган йили Нукус суюқтирилган газ тўлдирish базасида йирик таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга Амударё, Беруний, Қўнғирот, Чимбой туманларида газ баллонларини тўлдирish шохбачалари хизмат кўрсатишмоқда. Улар баллонларни синовдан ўтказиш ускунаси билан таъминланган. Суюқтирилган газни хонадонларга етказиб бериш бўйича ҳам тегишли чо-

ра-тадбирлар кўрилмоқда.

Жорий йил 17,6 километр газ тармоғини капитал таъмирлаш, 15,1 километрини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида, 33 мингга яқин хонадоннинг газ таъминоти яхшиланади.

Тадбирда Нукус шаҳридаги полимер маҳсулотлари заводи, электр тармоғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш заводи ва бошқа янгидан қуриладиган объектларни, намунавий уй-жойларни электр энергияси, табиий газ билан узлуксиз таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига сифатли хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг қўниий мурожаатларини ҳал этиш, халқ билан очиқ мулоқот, соҳа раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш масалалари бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, давра суҳбатида фуқаролардан келиб тушган бир қатор саволларга жавоб берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф.Ибрагимов иштирок этди.

Давуд АБИУЛЛАЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЕДАН СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

(Боши 1-саҳифада)

Доривор ўсимликлар сөрөб ва уларни етиштириш учун қулай иклимига эга Сурхондарё вилоятида фармацевтика саноатини юксалтириш борасида ҳиндистонлик ҳамкорлар билан жаҳон бозорига рақобатбардош, арзон дори воситалари ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда.

Вилоятдаги доривор гиёҳлар чуқур ўрганилиб, уларни қўлайитириш, парваришлаш ва мақсадли фойдаланиш юзасидан истиқболли режалар ишлаб чиқилган. Шу мақсадда маҳаллий шифобахш ўсимликлардан юқори самарали, ишончли дори-дармон ишлаб чиқариш учун давлат ўрмон хўжаликлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худудда етиштирилмаган маҳаллий доривор ўсимликлар импорт ўрнини босувчи қўллаб турдаги ноёб дори-дармон тайёрлаш учун ҳам арзон ва ишончли хомашедир.

Қўшма корхонанинг дастлабки босқичида 5 иш ўрни яратилиб, турли антибиотик, оғриқ қолдирувчи, иссиқ туширувчи дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Мустақил-

лигимизнинг 24 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган иккинчи босқичда сифатли ва ноёб кўкун, шифобахш дамлама ва турли сироплар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, мазкур дори воситаларининг катта маблағ эвазига четдан олиб келинишига барҳам берилди. Корхона фаолиятининг босқичма-босқич кенгайтирилаётгани мамлакатимиз фармацевтика саноатини янада юксалтириш, даволанш-профилактика муассасаларининг арзон, сифатли дори воситаларига бўлган талабини қондириш, юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга хисса қўшмоқда.

– Корхонамизда турли гиёҳлардан тайёрланадиган фармацевтика маҳсулотлари таркибини пухта таҳлил қилиш ва уларнинг сифатини аниқлаш учун барча қўлайликларга эга лаборатория ишлаб турибди, – дейди технолог Тўлқин Эшмирзаев. – Бу ерда малакали мутахассислар билан бирга, ёш кадрлар ҳам самарали фаолият юритмоқда.

Корхонада ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун бепул тиббий ва транспорт хиз-

мати йўлга қўйилган.

– Фармацевтика йўналиши бўйича мутахассисман, – дейди корхона ишчиси Сайёра Қаршиева. – Замонавий ускуналарни бошқаришни қисқа вақтда ўрганишимда коллежда олган билимларим қўл келди. Шундай корхонада, халқимиз саломатлигини асрашдек шарафли соҳада ишлаётганимдан faxрланаман.

Айни пайтда қўшма корхонанинг учинчи босқичида қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда. Бу ишдошта бир марталик шприцлар ишлаб чиқариладиган технология ускуналар ўрнатилди. Ишлаб чиқариладиган инфузион, инъекцион зрит-малар бир қанча дори воситаларини хориждан келтиришга тўлиқ барҳам бериш билан бирга, уларни экспорт қилиш имкониятини ҳам яратади. Маҳаллий шароитда ўсадиган шифобахш гиёҳлардан фойдаланиш ишлаб чиқариладиган дори воситаларининг таннархини арзонлаштирилади.

Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, бу ерда 150 дан ортиқ ишчи меҳнат қилади.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

# «ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИСАН, АЗИЗ МАҲАЛЛАМ!»

## ЖОЙЛАРДА ШУ ШИОР ОСТИДА «МАҲАЛЛА – МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ҲУДУДИЙ БОСҚИЧЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

### Қорақалпоғистон Республикаси

Нукусда «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!» шиори остида «Маҳалла – менинг тақдиримда» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси bosқичи бўлиб ўтди.

Тадбирнинг асосий мақсади ёшларда юксак маънавият, халқимизнинг тарихий анъаналари, маданий меъросига ҳурмат, эркин ва фаровон ҳаёт қуришнинг аҳамиятини англаш каби фаилатларни шакллантиришдан иборат. Шунингдек, уларни она Ватанга мухаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялаш, гийҳвандлик, ақиданарастлик каби ҳар хил зарарли таъсирлардан, миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга таҳдид солувчи «оммавий маданият» ниқоби остидаги ёвуз гоялардан сақлашдан иборат. Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси bosқичи бўлиб ўтди.

гистон Республикаси bosқичида 15 та фуқаролар йиғинидан жамоалар иштирок этиб, учта шарт бўйича беллашдилар. Биринчи шартда иштирокчилар мамлакатимизда маҳалла институтининг вужудга келиш тарихи, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишида маҳалланинг роли, «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлигининг аҳамияти, ўзларнинг истиқомат қилаётган маҳалланинг ўзига хос турмуш тарзи, қадрият ва анъаналарни тарғиб қилиш борасида олиб бораётган ишларини слайдлар орқали тақдим этишди. Иккинчи шартда маҳалла фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда маънавиятга оид савол-жавоб, сўнги шартда «Маҳалла – менинг тақдиримда» мавзусида ишро ёзиш бўйича беллашдилар. Кўрик-танлов якунида Нукус туманидаги «Крант» овул фуқаролар йиғинининг «Юрт келажиги» жамоаси биринчи, Нукус шаҳридаги «Ойдин йўл» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Ойдин йўл» жамоаси иккинчи, Элликқалъа туманидаги «Пахтачи» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Бўстон» жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг фахрий ёрлиғи ҳамда совғалари топширилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

# БИЗНЕС МУҲИТИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сибестининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни, Президентимизнинг 2016 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга асосан тадбиркорлик субъектлари фаолияти турли енгиликлар, имтиёзлар берилгани, айрим имтиёзлар мuddати узайтирилгани соҳа ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Ўтказиладиган текширишлар сақлаб қолинди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг қонунчилик бузилгани ҳолатлари бўйича берилган мурожаатлари асосида фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарорига биноан қисқа мuddати текширишлар ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Молиявий-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этса ва бу ҳуқуқбузарлик инсоннинг соғлиги ва ҳаётига зарар етказмаса, у етказилган зарарни белгиланган тартибда ва мuddатларда ихтиёрий равишда қопласа, яъни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўласа, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарима ва молиявий санкциялардан (пенядан ташқари) озод қилинади. Шунингдек, қонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой мuddатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштириш тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланган. Булар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Қайд этилганидек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритувчи юридик шахсларни фойда ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари 12 фаолият турини, шундан 4 таси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ва 8 таси қишлоқ жойларда амалга оширилган учун 2020 йил 1 январьгача таътиб этилиши



Жиззах вилояти

Жиззах шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!» шиори остида «Маҳалла – менинг тақдиримда» кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда танловнинг шаҳар ва туман bosқичларида ғолибликни қўлга киритган 13 та жамоа вакиллари 3 та шарт асосида ўзаро куч синашдилар. Биринчи шартда жамоалар ўзлари яшаётган ҳудуд тарихи, маҳалла институтининг ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етказишдаги ўрни ҳамда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигининг аҳамиятини ижодий ёндашган ҳолда очиб берди. Иккинчи шартда иштирокчиларнинг маҳалла фуқаролар йиғинларининг фаолияти, тизимининг маънан ва жисмонан етук авлодни шакллантиришдаги роли, маънавият ва соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий билимлари савол-жавоб тарзида аниқланди. Сўнги шарт «Маҳалла – менинг тақдиримда» мавзусида ёзилган энг яхши ишони баҳолаш учун хизмат қилди.

### Сирдарё вилояти

Кўрик-танловнинг Сирдарё вилояти bosқичи Гулистон шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтди. Унда ҳудуддаги касб-ҳунар коллежи ҳамда мактабларнинг юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган, туман ва шаҳар bosқичларида ғолибликни қўлга киритган 11 та жамоа ўзаро беллашди.

Танлов шартларига кўра, иштирокчилар ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла ҳақида тақдимот ўтказиб, маҳалла фаолияти, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар буйича берилган саволларга жавоб қайтарди. Ижодий ишлар шартида эса иштирокчиларнинг маҳалланинг ёшлар тарбиясидаги ўрни хусусидаги билимлари баҳоланди. Бу каби тадбирлардан кўзланган асосий мақсад келажакимиз эгаларида юксак маънавият, тарихий анъаналарга садоқат, маданий меросимиз ва қадриятларимизга ҳурмат туйғулари янада мустаҳкамлаш, улар онгиде ёт гояларга, «оммавий маданият»га қарши иммунитет шаклланишида

### Самарқанд вилояти

Самарқандда «Маҳалла – менинг тақдиримда» кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда маҳалла институтини янада такомиллаштириш, унинг аҳамияти ҳаётидаги иштироки, вазифа ва ваколатлари доирасини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётди.

Мазкур танлов ҳар бир маҳалланинг ўзига хос анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, хусусан, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва уларни касб-ҳунарли этиб камолга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил унинг шаҳар, туман bosқичларида 640 нафар ёшлар қамраб олинди. Танловнинг қуйи bosқичида таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчилардан иборат жамоалар фаол иштирок этиди. Бундан ташқари, ҳар бир жамоа маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган бун-

мўҳим роль ўйнайди. Қизгин беллашувлар остида кечган танловда Сирдарё туманидаги «Оқ йўл» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Оқ йўл» жамоаси биринчи, Бобўев туманидаги «Соҳил» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Тинчлик» жамоаси иккинчи, Гулистон туманидаги «Ибрат» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Ибрат» жамоаси учинчи ўринни эгаллади. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бозорбой БЕКМУРОДОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.



Самарқанд вилояти

Самарқандда «Маҳалла – менинг тақдиримда» кўрик-танловининг вилоят bosқичи бўлиб ўтди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда маҳалла институтини янада такомиллаштириш, унинг аҳамияти ҳаётидаги иштироки, вазифа ва ваколатлари доирасини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётди.

Мазкур танлов ҳар бир маҳалланинг ўзига хос анъана ва қадриятларини асраб-авайлаш, хусусан, ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва уларни касб-ҳунарли этиб камолга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу йил унинг шаҳар, туман bosқичларида 640 нафар ёшлар қамраб олинди. Танловнинг қуйи bosқичида таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчилардан иборат жамоалар фаол иштирок этиди. Бундан ташқари, ҳар бир жамоа маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилаётган бун-

ёдорлик ишлари ҳақида лавҳа ва фотоальбомлар тайёрлади. Тадбир доирасида оила-ларнинг миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Маҳсулотлар кўргазмаси ва фаол жамоаларнинг саҳнадаги чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Танлов якунига кўра, Булунгур туманидаги «Каптархона» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Қабутар» жамоаси биринчи ўринга муносиб қўрилди. Иккинчи ўринни Тайлоқ туманидаги «Қавчинон» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Шодлик» жамоаси, учинчи ўринни эса Пайариқ туманидаги «Фаровон» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Порлоқ» жамоаси эгаллади. Танловнинг фаол иштирокчилари турли номинациялар буйича тақдирланди. Нуриддин БОЛИЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

### Наманган вилояти

# ЗАМИН ДАРДИ АРИМОҚДА

Президентимизнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси «Норин-Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳамда унинг таркибидagi қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислари томонидан чуқур ўрганилмоқда.



673 нафар фермер иштирок этиди. Уларга шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўрни ювиш усуллари, мuddати, тартиби, чел олиш ўлчамлари, сув бериш меъёри борасида батафсил маълумотлар берилди. Бу эса айни кунлардаги шўр ювиш ишларининг сифатли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мен кўп йиллардан буюн Мингбулоқ туманидаги «Гигант» ММТПга раҳбарлик қилиб келаман, – дейди Ботиржон Деҳқонов. – Худудимизда 50 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг

жами ер майдони 2910 гектарни ташкил этади. Дала-ларимизнинг асосий қисми ўртача шўрланган ерлар ҳисобланади. Қисқа фурсатларда шўр ювиш ишларини муваффақиятли урдаладик. Бу муҳим агротехник тадбирни белгиланган мuddатда, сифатли амалга оширишимизда мавсум бошиданок сугориш отряди аъзоларига етарли шароитлар яратилгани асосий омил бўлди. Улар махсус кийимлар, фонар ва бошқа зарур анжомлар билан таъминланди. Дам олиш учун кўча вагонлар жиҳозланди, иссиқ овқат ташкил қилинди. Вилоят мелиоратив экспедицияси мутахассислари ҳар ишда уларга яқиндан кўмак ҳамда маслаҳатлар бериб туришди. Равшанбек МИРЗОАЛИМОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

ни сақлаш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан барқарор фойдаланиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасидаги Судочёе, Қашқадарё вилоятидаги Аччиқўл каби қатор сувли-ботқоқли ҳудудларни ҳам Рамсар рўйхатига киритиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Олимлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида ушбу табиий ҳудудларда мунтазам равишда мониторинг ва кузатув ишлари ўтказилаётди. Бу жараёнда кушларнинг ҳаёт тарзи, миграцияси, экологик муҳитга инсон омилнинг таъсири ўрганилиб, муаммоларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Республикаимиздаги Рамсар рўйхатига киритилган қўллардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш ва умуман конвенция талабларини тўлақонли бажаришда сув-ботқоқ экотизимларида кадастр ва мониторингга йўналтирилган илмий тадқиқотларни бажариш муҳим ўрин тутди. Бундан бир неча йиллар илгари олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг натижалари эса эндиликда вазиятнинг тўғри ва тўлиқ баҳолаш учун етарли эмас. Шу боис, келгусида Рамсар рўйхатига киритилиши режалаштирилган қўлларга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақомини бериши ва бу ерларда қўним топган турларнинг қўлайиши учун қўлайлик яратиш мақсадида турли биотехник тадбирларни ўтказишнинг ҳам режалаштирилган ҳолда иш юритиш мақсадида мувофиқдир. Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи 2017 йилга мўлжалланган иш дастурида атроф-муҳит муҳофазасига оид мамлакатимиз қўшилган халқаро конвенциялар, шунингдек, табиатни муҳофаза қилишга оид бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни ўз вақтида ҳаётга таъбиқ этиш борасидаги ишларни олиб боришни режалаштирди. Бу эса ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қонунлар ижросини таъминлашга ҳамда юрти-миздаги биологик хилма-хилликни сақлашга хизмат қилади. Фахриддин ХОЛБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.





